

VIII. КИЧИК ТАДБИРКОРЛИК

2018 йилнинг январь-декабрида 48,9 мингтадан ортиқ кичик корхона ва микрофирмалар (фермер ва деҳқон хўжаликларисиз) ташкил қилинди, бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 28,2 % кўп демакдир.

Энг кўп кичик корхона ва микрофирмалар савдо соҳасида (23,9 %), саноат тармоғида (23,0 %), қурилиш тармоғида (13,0 %), қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида (11,4 %), яшаш ва овқатланишда (8,0 %), ташиш ва сақлашда (4,3 %) ташкил этилган.

2018 йил январь-декабрь ойларида янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмаларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича улуши



**2018 йилнинг январь-декабрида кичик тадбиркорликнинг
асосий кўрсаткичлари**


	<i>Ўлчов бирлиги</i>	<i>2017 й.</i>	<i>2018 й.</i>	<i>(+-)</i>
Фаолият юритаётган кичик корхона ва микрофирмалар сони	<i>бирлик</i>	229666	262930	33264
Янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмалар	<i>бирлик</i>	38167	48922	10755
ЯИМ	%	63,6	59,4	-4,2
Саноат	%	41,2	34,7	-6,5
Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги	%	98,1	98,1	0,0
Инвестиция	%	34,8	34,9	0,1
Қурилиш	%	66,2	66,6	0,4
Савдо	%	88,3	86,3	-2,0
Хизматлар	%	58,4	55,2	-3,2
Юк ташиш	%	54,2	54,4	0,2
Юк айланмаси	%	77,7	79,6	1,9
Йўловчи ташиш	%	90,1	90,8	0,7
Йўловчи айланмаси	%	94,7	95,2	0,5
Экспорт	%	22,0	26,5	4,5
Импорт	%	53,6	55,8	2,2

**Худудлар бўйича янги ташкил топган кичик корхона
ва микрофирмалар, бирликда**

	<i>январь-декабрь 2017й.</i>	<i>январь-декабрь 2018й.</i>
Ўзбекистон Республикаси	38167	48922
Қорақалпоғистон Республикаси	1648	2177
<i>вилоятлар:</i>		
Андижон	2476	3131
Бухоро	1993	3024
Жиззах	1776	2319
Қашқадарё	1980	2365
Навоий	1228	1810
Наманган	2353	2709
Самарқанд	3259	4312
Сурхондарё	1988	2781
Сирдарё	1189	1354
Тошкент	3894	5080
Фарғона	3292	3780
Хоразм	1565	2009
Тошкент ш.	9526	12071

2018 йилда янги ташкил топган кичик корхона ва микрофирмалар худудлар бўйича энг кўп Тошкент шаҳрида - 12071 та, Тошкент вилоятида - 5080 та, Самарқанд вилоятида - 4312 та. Фарғона вилоятида - 3780 та, Андижон вилоятида - 3131 та, Бухоро вилоятида - 3024 та. Наманган, Сурхондарё, Қашқадарё, Жиззах вилоятларида, Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм ва Навоий вилоятларида бу кўрсаткич ўрта даражада бўлиб, 2709-1810 тани ташкил этган. Энг паст кўрсаткични Сирдарё вилояти –1354 тани ташкил этган.

**2018 йил январь-декабрь ҳолатига янги ташкил топган кичик корхона
ва микрофирмаларнинг ҳудудлар бўйича улуши**



2018 йил январь-декабрь ҳолатига ҳудудлар бўйича янги ташкил топган кичик корхона ва микрофирмаларнинг жами миқдоридан энг кўп улуш Тошкент шаҳрига - 24,7 %, Тошкент вилояти - 10,4 %, Самарқанд вилояти - 8,8 %, Фарғона вилояти - 7,7 %, Андижон вилояти - 6,4 %, Бухоро вилояти 6,2 %, Сурхондарё вилояти -5,7 %, Наманган вилояти – 5,5 %, Қашқадарё вилояти - 4,8 %, Жиззах вилояти - 4,7 %, Қорақалпоғистон Республикаси - 4,5 %, Хоразм вилояти - 4,1 %, Навоий вилояти - 3,7 %, энг паст кўрсаткич Сирдарё вилоятида - 2,8 %ни ташкил этди.

**Иқтисодий фаолият турлари бўйича янги ташкил топган
кичик корхона ва микрофирмалар, бирликда**

	<i>январь-декабрь 2017й.</i>	<i>январь-декабрь 2018й.</i>
Жами	38167	48922
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	5144	5586
Саноат	10182	11262
Қурилиш	3788	6360
Савдо	7891	11713
Ташиш ва сақлаш	1830	2107
Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	3353	3891
Ахборот ва алоқа	1001	1228
Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	858	1154
Бошқа турдаги хизматлар	4120	5621

2018 йил январ-декабрида иқтисодий фаолият турлари бўйича янги ташкил топган кичик корхона ва микрофирмалар энг кўп савдода 11713 та, шунингдек :

Савдода - 11713 та;

саноатда - 11262 та;

қурилишда - 6360 та;

қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида - 5586 та;

яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларда – 3891 та;


ташиш ва сақлашда - 2107 та ни ташкил этди.

Ахборот ва алоқада – 1228 та;

Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатишда – 1154 та;

Бошқа турдаги хизматларда – 5621 та;

Иқтисодий фаолият турлари бўйича янги ташкил топган кичик корхона ва микрофирмалар тўғрисида маълумот



2018 йил январ-декабрида иқтисодий фаолият турлари бўйича янги ташкил топган кичик корхона ва микрофирмалар энг кўп улуши:

савдода – 23,9 % ;

саноатда - 23,0 %;

қурилишда – 13,0 %;


қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида – 11,4 % ;
 яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларда – 8,0 % ;
 ташиш ва сақлашда - 4,3 % ;
 ахборот ва алоқада – 2,5 % ;
 соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатишда – 2,4 % ;
 Бошқа турдаги хизматларда – 11,5 %ни ташкил этди.

Янги ташкил этилган корхоналар бўйича энг юқори кўрсаткичга эга бўлган шаҳар ва туманлар, бирликда

	<i>январь-декабрь 2017й.</i>	<i>январь-декабрь 2018й.</i>	<i>фарқ.(+-)</i>
Юнусобод тумани	1652	1196	456
Яккасарой тумани	1083	717	366
Миробод тумани	1089	731	358
Бухоро ш.	987	657	330
Мирзо-Улуғбек тумани	1433	1134	299
Самарқанд ш.	1319	1059	260
Шайхонтохур тумани	1226	988	238
Олмазор тумани	1208	1004	204
Чилонзор тумани	1474	1276	198
Сирғали тумани	724	530	194

2018 йил январь-декабрида янги ташкил топган кичик корхона ва микрофирмалар бўйича энг юқори ўсиш Юнусобод туманида – 456 та, Яккасарой туманида - 366 та, Миробод туманида - 358 та. Бухоро шаҳрида бу кўрсаткич 330 тани ташкил этди, Мирзо-Улуғбек туманида - 299 та, Шайхонтохур туманида - 238 та. Олмазор, Чилонзор ва Сирғали туманларида бу кўрсаткич 204 -194 тани ташкил этди.

Янги ташкил этилган корхоналар бўйича энг юқори кўрсаткичга эга бўлган шаҳар ва туманлар, бирликда



2018 йилнинг январь-декабрида кичик тадбиркорлик субъектларининг сони (хар 1000 аҳолига, бирликда) ҳудудлар бўйича энг кўп кўрсаткич Тошкент шаҳрида 23,9 бирликда, Сирдарё вилоятида 18,0 бирликда, Жиззах вилоятида 16,9 бирликда, Тошкент вилоятида 15,3 бирликда, Навоий вилоятида 14,1 бирликда ва Қашқадарё


вилоятида 13,2 бирликда бўлиб, ўртача кўрсаткич 10-13 бирлик оралиғида Бухоро, Андижон, Хоразм, Фарғона вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикасида, Самарқанд ва Наманган вилоятларида аниқланди. Сурхондарё вилоятида 8,7 бирликда ушбу кўрсаткич паст бўлиб қолмоқда.

2018 йилнинг январь-декабрида ҳудудлар бўйича кичик тадбиркорлик субъектларининг сони (ҳар 1000 аҳолига, бирликда).




Агар, 2017 йилнинг январь-декабрида кичик тадбиркорлик субъектларининг сони (ҳар 1000 аҳолига, бирликда) 12,4 бирликни ташкил этган бўлса, 2018 йилда бу кўрсаткич 13,2 бирликка етди ва 2017 йилга нисбатан 0,8 бирлик юқори.

Январь-декабрь ҳолатига кичик тадбиркорлик субъектларининг сони
(ҳар 1000 аҳолига, бирликда;)




Қуйида, 2018 йилнинг январь-декабрида иқтисодиёт тармоқларида кичик тадбиркорлик (бизнес)нинг саноатдаги улуши 34,7 %,қишлоқ, ўрмон ва баллиқ хўжалигида – 98,1 %, қурилишда – 66,6 %, инвестицияда -34,9 %, савдода – 86,3 %, экспортда – 26,5 %, импортда – 55,8 %, ва хизматлар соҳасидаги - 55,2 % улуши аниқ кўрсатилган.

2018 йилнинг январь-декабрида иқтисодиёт тармоқларида кичик тадбиркорликнинг улуши тузилиши




Январь-декабрь ҳолатига кичик тадбиркорликнинг ЯИМ даги улушининг пасайиши, %

2018 йилнинг январь-декабрида кичик тадбиркорликнинг ЯИМдаги улуши 59,4 %ни ташкил қилди (2017 йилнинг январь-декабрида 63,6 %). ЯИМ таркибида пасайиши йирик корхоналар улуши ошиши билан тушунтирилади




Худудлар бўйича кичик тадбиркорликнинг ЯҲМдаги улуши энг кўп Жиззах (84,3 %), Самарқанд (80,0 %), Бухоро (79,8 %), Сурхондарё (79,4 %), ва Наманган (79,0 %) вилоятларида ташкил этди. Навоий вилоятида ушбу кўрсаткич (42,4%) паст бўлиб қолмоқда.

Кичик тадбиркорликнинг худудлар бўйича ЯҲМдаги улуши, % (2017- 2018 йил январь-декабрь)



**2018 йилнинг январь-декабрида кичик тадбиркорликнинг
ЯХМдаги улуши, %**

Худудларда кичик тадбиркорлик (бизнес)нинг энг кичик улуши	Худудларда кичик тадбиркорлик (бизнес)нинг энг катта улуши
 <p>Навоий вилояти 42,4 %</p>	 <p>Жиззах вилояти 84,3 %</p>
 <p>Қорақалпоғистон Республикаси 54,3 %</p>	 <p>Самарқанд вилояти 80,0 %</p>
 <p>Тошкент вилояти 57,9 %</p>	 <p>Бухоро вилояти 79,8 %</p>
 <p>Тошкент ш. 63,4 %</p>	 <p>Сурхондарё вилояти 79,4 %</p>
 <p>Қашқадарё вилояти 64,3 %</p>	 <p>Наманган вилояти 79,0 %</p>
 <p>Фарғона вилояти 69,8 %</p>	 <p>Сирдарё вилояти 76,9 %</p>
 <p>Андижон вилояти 73,4 %</p>	 <p>Хоразм вилояти 75,9 %</p>

**2018 йил январь-декабрида кичик тадбиркорликнинг ҳудудлар бўйича
иқтисодий фаолият турлари кесимида улуши, %**

	<i>Саноат</i>	<i>Қурилиш</i>	<i>Хизматлар</i>	<i>Инвестиция</i>
Ўзбекистон Республикаси	34,7	66,6	55,2	34,9
Қорақалпоғистон Республикаси	18,7	84,6	57,5	21,7
<i>вилоятлар:</i>				
Андижон	19,8	96,4	71,7	53,8
Бухоро	41,1	82,6	72,7	25,5
Жиззах	64,4	93,7	67,9	40,4
Қашқадарё	21,4	82,7	70,2	11,3
Навоий	16,1	70,7	62,0	14,7
Наманган	68,5	93,2	69,5	30,2
Самарқанд	51,1	98,3	73,6	54,0
Сурхондарё	47,1	78,3	73,2	31,6
Сирдарё	52,1	92,5	63,3	48,3
Тошкент	23,5	76,5	73,8	40,1
Фарғона	35,8	90,4	72,8	52,6
Хоразм	31,7	88,4	68,4	50,2
Тошкент ш.	72,9	72,0	50,0	52,3

Ҳудудлар бўйича саноат соҳасининг юқори улуши Тошкент шаҳри (72,9 %), Наманган (68,5 %) ва Жиззах (64,4 %) вилоятларига тўғри келади.

Қурилишда - Самарқанд (98,3 %), Андижон (96,4 %), Жиззах (93,7 %), Сирдарё (92,5 %) ва Наманган (68,5 %) вилоятлари, хизматлар соҳасида - Тошкент (73,8 %), Самарқанд (73,6 %), Сурхондарё (73,2 %), Фарғона (72,8 %) вилоятлари, инвестицияда - Самарқанд (54,0 %), Андижон (53,8 %) ва Фарғона (52,6 %) вилоятлари ташкил этади.

2018 йилнинг январь-декабрида кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан:

– саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 79457,7 млрд. сўми (жами саноат ишлаб чиқаришнинг 34,7 %) ёки 2017 йилнинг январь–декабрига нисбатан ўсиш суръати 110,2 %ни ташкил қилди;

– 37504,6 млрд. сўмлик инвестициялар (умумий инвестициялар ҳажмининг 34,9 %) ўзлаштирилди ва 2017 йилнинг январь–декабрига нисбатан ўсиш суръати 120,4 % ни ташкил қилди;

– 31458,4 млрд. сўмлик қурилиш ишлари (қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 66,6 %) бажарилди ва 2017 йилнинг январь–декабрига нисбатан ўсиш суръати 112,2 %ни ташкил қилди;

– 81040,6 млрд. сўмлик хизматлар кўрсатилиб (республика жами хизматлар ҳажмининг 55,2 %), 2017 йилнинг январь–декабрига нисбатан ўсиш суръати 102,5 %ни ташкил қилди;


– чакана товар айланмаси умумий ҳажмининг 86,3 % ёки 113682,5 млрд. сўми (ўсиш суръати 3,0 %ни ташкил қилди) шакллантирилди;

– 3771,4 млн. АҚШ доллари (умумий экспорт ҳажмининг 26,5 %) миқдориди маҳсулотлар (товар ва хизматлар) экспорт қилинди, бу эса 2017 йилга нисбатан 1012,1 млн. АҚШ долларига ёки 36,7 %га кўп;


– автомобил транспорти юк айланмасининг 5,6 %га (республика жами автомобил транспорти юк айланмасининг 79,6 %) кўпайиши таъминланди;

– йўловчи айланмасининг эса 3,1 %га (умумий йўловчи айланмасининг 95,2 %) кўпайиши таъминланди;

Кичик тадбиркорликнинг улуши (умумий ҳажмига нисбатан %да)




**Кичик тадбиркорликдаги экспорт (товар, хизмат)ларнинг,
жами экспорт хажмидаги улуши, %**



2018 йил январь-декабрь ҳолатига ҳудудлар бўйича кичик тадбиркорликдаги экспорт (товар, хизмат)ларнинг жами экспортдаги энг кўп улуши Жиззах вилоятида - 89,6 %, Сурхондарё вилояти – 87,8 %, Наманган вилояти - 83,8 %, Сирдарё вилоятида - 82,8 %, Самарқанд вилояти - 80,0 % Андижон вилояти - 74,1 %, Хоразм вилояти - 67,5 %, Фарғона вилояти – 48,8 %, Бухоро вилояти 44,5 %, Қашқадарё вилояти - 37,2 %, Тошкент вилояти - 29,2 %, Тошкент ш. - 24,1%, Навоий вилояти - 17,1 %, энг паст кўрсаткични Қорақалпоғистон Республикасида - 9,8 % ни ташкил этди.


2018 йил январь-декабрида ҳудудлар бўйича кичик тадбиркорлик (бизнес)да саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми ва суръати



Ҳудудлар бўйича энг кўп саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми Тошкент шаҳри (31051,5 млрд. сўм), Тошкент (8227,3 млрд. сўм), Самарқанд (6064,5 млрд. сўм) ва Андижон (5349,3 млрд. сўм) вилоятлари ҳиссасига тўғри келади. Сурхондарё вилоятида (1518,4 млрд. сўм) саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми паст бўлиб қолмоқда.




2018 йил январь-декабрь ҳолатига жами sanoat маҳсулотидagi кичик тадбиркорликнинг хуудлар бўйича улуши, %




Худудлар кесимида кичик тадбиркорликнинг жами sanoat маҳсулотидagi энг юкори улуши Тошкент ш. (72,9%), Наманган вилояти (68,5%), Жиззах вилояти (64,4%), Сирдарё вилояти (52,1%), Самарканд вилояти (51,1%), Сурхондарё вилояти (47,1%) ва Бухоро вилояти (41,1%). Қорақалпоғистон Республикаси (18,7%) ва Навоий вилоятида (16,1%), кичик тадбиркорликнинг улуши паст бўлиб қолмоқда.

2018 йил январь-декабрида хуудлар бўйича кичик тадбиркорлик (бизнес)да чакана товар айланмаси ҳажми ва суръати




Худудлар бўйича кўпроқ чакана товар айланмаси ҳажми Тошкент шаҳри (22270,4 млрд. сўм), Тошкент (12214,7 млрд. сўм), Самарқанд (10088,0 млрд. сўм) Фарғона (9915,3 млрд. сўм) ва Андижон (9245,9 млрд. сўм) вилоятлари ҳиссасига тўғри келади.

2018 йил январь-декабрида худудлар бўйича кичик тадбиркорлик (бизнес)да бажарилган қурилиш ишлари ҳажми ва суръати



Худудлар бўйича энг кўп бажарилган қурилиш ишлари ҳажми Тошкент шаҳри (6308,6 млрд. сўм), Самарқанд (2868,8 млрд. сўм), Қашқадарё (2860,2 млрд. сўм) ва Бухоро (2667,5 млрд.сўм) вилоятларида қайд этилди.


2018 йил январь-декабрида ҳудудлар бўйича кичик тадбиркорлик (бизнес)да хизматлар соҳаси ҳажми ва суръати



Ҳудудлар бўйича кўпроқ хизматлар ҳажми Тошкент шаҳри (24179,9 млрд. сўм), Тошкент (8091,6 млрд. сўм), Самарқанд (7295,4 млрд. сўм), Фарғона (6637,4 млрд. сўм) ва Андижон (4679,2 млрд. сўм) вилоятлари ҳиссасига тўғри келади.


Иқтисодий фаолияти турлари бўйича 2018 йил IV - чорак яқунларига кўра, янги ташкил этилган микрофирма ва кичик корхоналарда танланма кузатувлар ўтказилди. Унда 1442тадан ортиқ респондентлар иштирок этди. Улардан саноат корхоналари – 336та (иштирок этган респондентларнинг умумий сонидан 23,3 %), қурилиш – 182та (12,6 %), савдо – 344та (23,9 %), хизматлар соҳаси – 415та (28,8 %), қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги корхоналари – 165та (11,4 %)ни ташкил қилди.

2018 йилнинг январь-декабрида янги ташкил этилган микрофирма ва кичик корхоналарнинг иқтисодий тармоқлари бўйича тақсимланиши



Худудлар кесимида жами иштирок этган янги ташкил этилган микрофирма ва кичик корхоналарнинг улуши Тошкент шаҳрида – 25,5 %, Тошкент вилоятида – 10,5 %, Фарғона вилоятида – 8,1 %, Самарқанд вилоятида – 8,0 %, Андижон вилоятида – 6,4 %. Бухоро – 5,8 % ва Сурхондарё вилоятларининг улуши 5,7 %ни ташкил қилди.


2018 йилнинг январь-декабрида янги ташкил этилган микрофирма ва кичик корхоналарнинг худудлар бўйича тақсимланиши



Кузатув маълумотлари таҳлили, қурилиш соҳасида респондентларнинг 29,7 %и иқтисодий вазиятни қулай ва 54,9 и % эса қониқарли деб ҳисоблашини, мос равишда савдо соҳасида - 33,4 % ва 49,1 %, хизматлар соҳасида - 27,2 % ва 56,4 %, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида - 21,2 % ва 59,4 %, саноатда - 24,4 % ва 53,6 % ни ташкил қилганини кўрсатди.


Иқтисодий вазиятга пессимистик руҳда ёндашганлар саноатда – 22,0 %, қурилишда 15,4 %, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида – 19,4 %, хизматлар соҳасида – 16,4 %, савдода – 17,4 %ни ташкил қилди.

Иқтисодий вазиятни баҳолаш 2018 йил IV – чорак учун, %



Иқтисодий вазият яхшиланиши яқин уч ойда, саноат корхоналари - 61,3 %, савдо – 66,6 %, хизматлар – 69,6 %, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги ҳамда – 64,6 %, қурилиш тармоғида – 52,7 % кутилмоқда.

**Иқтисодий вазиятдаги ўзгаришлар истиқболини
яқин уч ойда баҳоланиши, %**



Таҳлил натижаларидан келиб чиқиб, янги ташкил этилган кичик корхоналар ва микрофирмаларга бизнес муҳитини яхшилаш учун кўрилаётган чора-тадбирлар натижасида респондентлар яқин истиқболда умумий иқтисодий вазиятнинг яхшиланишини ижобий баҳолаётганлигини хулоса қилиш мумкин.